



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов Иқтисодиёт – инсоннинг юксак тафаккур маҳсули	5
Umar Xudayberdiyev, Sevara Abdinazarovna Babanazarova Aholi daromadlari va ularni ko‘paytirish yo‘llari.	11
Shao Junling Analysis of the role of institutional frameworks in promoting the qualitative development of the economy of the region " Belt and Road"	14
Kudratjon Bakhtiyorovich Dilmanov Characteristics of human power	17
Bekjon Shukurillayevich Musayev Oliy ta‘lim xizmatlarini targ‘ib qilishning nazariy asoslari	21
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Маҳаллада янги иш ўринларини яратиш ва бандликни оширишдаги қулайликлар ва имкониятлар	27
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Инновацион товарларни бозорда силжитишнинг ўзига хос жиҳатлари	33
Шохрухбек Жаҳонгирович Расулов Развитие нового содержания финансов в условиях инновационного развития экономики	36
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ	
Отабек Джурабаевич Джурабаев Определение направлений оптимизации операционной стратегии и повышения экономического потенциала хлопково-текстильных кластеров	42
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдаги муаммолар	46
Жамолиддин Ярашевич Нуриллаев Влияние экономической либерализации на производство и эффективность продукции в мировом овцеводстве и каракулеводстве	49
Лариса Алишеровна Мусабаева B2B маҳсулотларининг мижозлар капиталини таркибий-функционал таҳлил қилиш амалиёти	53
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Shoxista Abdugapparovna Mamasoliyeva Tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi muassasalar boshqarish tizimini samaradorligini oshirishni iqtisodiy mexanizmlari tahlili	58
Машхур Исмоналиевич Акбаров, Кудрат Шухратович Искандаров Темирўл транспортида йўловчи ташиш сервис хизматларини баҳолаш ва такомиллаштириш йўллари	64
Мурод Максудович Паязов Темир йўл транспорти хизматлар тизимидаги бошқарув механизмининг моҳияти ва ривожлантириш методологияси	70
Зарина Муродовна Муҳаммедова Хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштириш асосида инвестицион ресурслар самарадорлигини ошириш	76

Мурод Максудович Паязов – ФарПИ докторанти, и.ф.н., доц.

Фарғона политехника институти “Менежмент” кафедраси (DSc) докторанти

ТЕМИРЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАР ТИЗИМИДАГИ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Аннотация: мақолада темир йўл хизматлар тизимидаги бошқарув механизмининг аҳамияти, ушбу механизмни босқичма-босқич бошқаришни такомиллаштиришда ҳужжатларни бошқариш механизмига эътибор бериш ҳамда темир йўлларни бошқаришда жаҳон тажрибаси, давлат иштирокини хусусий шерикчилик масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: бошқарув механизми, интеграция, трансформация, стандарт, давлат хусусий шерикчилик, стартап, темир йўл йўлаклари.

Кириш. Темир йўл транспорти хизматлари иқтисодиётда етказиб бериш тизимининг локомотиви ҳисобланади. Мозийга назар ташласангиз иқтисодиётнинг гуллаб яшнашида, интеграциялашувида, хизматлар соҳасининг ривожланишида темир йўлнинг аҳамияти ва моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак ушбу йўналиш бугунги кунда ҳам ўз мавқеини йўқотмагани. Ривожланган давлатлар ЯИМининг 13-14%ини транспорт хизматлари ташкил этса, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 2022 йил якунларига кўра 7 %ни ташкил этган. Ўзбекистон учун темир йўл хизматларининг ЯИМдаги улушини ошириш масаласи долзарб муаммолардан биридир.

Темир йўл соҳаси замон глобаллашиб, Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашиб бораётган шароитда темир йўлларда ислохотлар олиб бориш учун аниқ стратегия ва кучли структуравий бошқарув механизми талаб қилинади.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон ва жаҳон хизматлар бозорида темир йўл хизматларининг интеграциялашувини таъминлаш, ҳамда етказиб бериш хизматидаги улушини ошириш ҳисобига иқтисодиётни глобаллашувида қиёсий таҳлил, илмий абстракция, иқтисодий таҳлил, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Темир йўл хизматлари бошқариш механизмига оид бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, хорижий олимлардан Б.Вихоил (халқаро темир йўл логистикаси), Г.Стожик, С.Вескович, И.Танасков, С.Милинковичлар (темир йўл инфратузилмасини бошқариш моделини), Б.М.Лапудус, Д.А.Мачерт (темир йўлларнинг макроиқтисодий жиҳатларини бошқаришни), С.А.Владимиров, М.О.Сураева (темир йўлларни инновацион ривожлантириш методологиясини), В.И.Янунин (Россия давлати темир йўллари ривожланишининг иқтисодий муаммоларини), Д.У.Николаев (Буюк Британия мисолида рақамли темир йўл хизматларини), В.П.Купряновский (темир йўл хизматларида рақамли интернет), Ж.Дехорной(темир йўл хизматларини бошқаришда PPPS лойиҳаларини бошқаришни), В.Н.Филина (Темир йўл хизматларини ривожлантиришда инвестиция сиёсати), В.В.Зубков, Н.Ф.Сирина, В.Подсорин, Т.А.Флягина (йўловчи ташиш хизматларини бошқаришни), Д.Вилферт, Д.Брингиншав (халқаро темир йўлларни бошқариш), А.Е.Красковский, В.В.Фортунов (темир йўл транспортини бошқаришда илғор технологияларни) ва бошқалар.

Ўзбекистонда темир йўл хизматларини бошқариш механизмларини илмий тадқиқ этишга оид маҳаллий олимларимиздан. М.М.Зияев(темир йўл хизматларини маркетинг бошқаруви), Ж.С.Файзуллаев (темир йўл транспортининг ташкилий-иқтисодий асосларига), М.Н.Ирисбаев, М.М.Махмудов (Халқаро инфраструктурада темир йўлларнинг афзалликларини), К.У.Ульджабаев, В.К.Ярашовалар (Ўзбекистон транспорт тизимида интеграция жараёнларини бошқаришга оид) илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Илмий тадқиқот ишларида темир йўл хизматларини бошқариш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий натижалар етарли эмаслигини аниқлатади.

Таҳлил ва натижалар. Транспорт хизматлар тизимидаги бошқарув механизмининг моҳияти тўғрисида ва унинг иқтисодиётда муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 28 сентябрь куни транспорт соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш масаласи бўйича йиғилишда изох

бериб ўтди: “Бу соҳа –иқтисодиётнинг қон томири. Транспорт ва логистикани янги босқичга олиб чиқмасак, иқтисодиётни барқарор ривожини таъминлай олмаймиз”¹.

Темир йўл транспорти хизматлар тизимидаги бошқарув механизмини ташкил этишда Ўзбекистон глобал иқтисодиёт сари интеграциялашувини инобатга олган ҳолда, давлатнинг экспорт имкониятларини оширишга, имкон даражасида хизмат кўрсатишни жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси профессори Д.Раҳимова: “Ўзбекистон транспорт тизими жаҳон транспорт тизимига фаол интеграциялашуви ва қўшни давлатлар транспорт-коммуникация тизимларини яқинлаштириш сиёсатини амалга ошириш заруратидан келиб чиқиши керак”²-деган фикр берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё – Хитой” саммитидаги нутқида: “Хавфсиз, қисқа ва қулай транспорт коридорларини ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга. Улар Хитойни бизнинг минтақаларимиз билан боғлаб, Европа, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш имкониятини беради”³.

Темир йўл хизматларини ривожлантириш борасида Ўзбекистоннинг қатор қўшни давлатлар билан янги йўлақлар очиш борасидаги ҳамда мамлакат ичида темир йўл хизматларини ўлушини ортиши юзасидан қабул қилинаётган қатор ишлар, жумладан “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой”, “Ўзбекистон-Афғонистон-Пешовар” каби стратегик темир йўл йўлақлари фаолиятини ишга тушириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон темир йўллари” компаниясини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлари амалга оширилмоқда.

Темир йўлларни иқтисодиётга, ижтимоий ҳаётга ҳамда халқаро иқтисодий муносабатларнинг глобаллашувидаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда жаҳонда етарли тажриба тўп-ланган бўлса-да, лекин Ўзбекистон учун татбиқ этиш вақт, илмий ёндошув, давлат томонидан бевосита қўллаб-қувватлаш ва олимларимизнинг илмий натижалари аҳамиятлидир.

Темир йўл бошқарув тизими бугунги кунда ислохотларни талаб этмоқда. Мамлакатимиз темир йўл хизматларида қатор муаммолар мавжуд, булар:– контейнер ташув ҳажми етишмаслиги; – темир йўл транспортида юк ташиш нархларининг юқорилиги; – 3PL ва 4PL даражадаги логистик хизмат провайдерларининг ривожланмаганлиги; – темир йўл вагонларининг 60% га яқин қисми 20-30 йил давомида, 13% эса 30 йилдан ортиқ хизмат кўрсатиб келмоқда”[4]. Ўринли равишда тўғри дея оламиз, чунки хорижий тажрибаларни тадқиқ этадиган бўлсак, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ учун рақобатлашадиган замонавий компаниянинг ўзи йўқ. Сабабларидан бири монопол ташкилот сифатида фаолият юритмоқда. Юкни етказиб бериш, кузатиб бориш бўйича 160 та давлатнинг ичида 99 ўринни эгаллаши муаммолидир.

“Мавжуд транспорт коммуникациялар тизимини ривожланмаганлиги оқибатида экспорт-импорт юкларини ташувига сарфланаётган вақт чўзилиб ва транзит юкларни ўз вақтида манзилга етказиб бўлмаёпти, “вақт” омилини биринчи ўринда бўлиши лозим. Чунки маҳсулотларни қисқа вақт ичида ўз эгаларига етказиш, транспорт харажатларининг қисқаришини таъминлайди. Мутахассисларнинг фикрича, юкларни тегишли манзилга бир кун кечикиб келиши савдо ҳажмининг энг камида 1 фоизга, тез сифати бузиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса ўртача 7 фоизга камайишига олиб келади. Транспорт коммуникациялар техник ҳолатининг талаб даражасида эмаслиги ушбу жараёнга салбий таъсир кўрсатади. ЭСКАТО конвенциясига кўра, соатига 120 км (тезюарар поездлар учун соатига 160 км) тарзида белгиланган. Минтақа мамлакатларидаги транспорт коммуникациялар техник ҳолатининг ёмонлиги боис, темир йўл магистралларда поездлар-

¹ Транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. [Электрон манбаа]: https://uza.uz/uz/posts/transport-sohasini-rivozhlantirish-boyicha-takliflar-korib-chiqildi_411498


² Д.Н.Раҳимова. Интеграция железнодорожного транспорта Узбекистана в международную систему.[Электрон манбаа]: <https://review.uz/post/integraciya-jeleznodorozhnogo-transporta-uzbekistana-v-mejdunarodnuyu-sistemu>

³ https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-markaziy-osiy-o-hitoy-sammitidagi-nutqi_484579

нинг ҳаракат тезлиги соатига ўртача 34 кмни ташкил этмоқда¹.

Темир йўл хизматларининг бошқарув механизмларини такомиллаштиришга оид бир қатор қонуний асослар қабул этилмоқда. Ушбу ҳужжатлардаги қўйилаётган вазифаларни изчил амалга ошириш ва ташаббускорлик асосида корхона ичидаги муаммоларнинг изчил ҳал этилиши бошқарувда белгиланган мақсадларга эришишни таъминлайди. Бунинг учун ҳужжатлар айланишини ҳам бошқариш лозимдир. Ҳар қандай қонуний асосга эга бўлган ҳужжат номи билангина эмас, берилган топшириғи билан девонхонадан руйхатдан ўтиши ва келгусида раҳбарият, мугассади ходимлар томонидан ижросини таъминлаш учун ижрога чиқиб, назорати таъминланиши лозим.

Корхонадаги дастлабки ишлар ҳужжатлар бошқарувидан бошланса, у ҳолда бошқарув механизми қуйидаги сценарий асосида амалга оширилиб фаолиятнинг самарадорлигини таъминланади (1-расм).



1-расм. Ҳужжатлар ижросини бошқариш механизми картаси².

¹ Биргит Вюхл. Транспортные потоки и нефизические барьеры. – Бишкек: ОБСЕ, 2015. – С. 20-21.

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бошқариш механизми босқичма-босқич осонлашиб, рақамлашиб, автоматлашиб бориши лозим.

Биринчи босқичда ташкиллаштириш. Иккинчи босқич режалаштириш. Бунда масъулларни ижрога йўналтириш асосида менежер ва ижрочи ўртасида қайта алоқани таъминлайдиган мониторинг, маълумотлар билан алмашиш жараёнлари амалга оширилиш керак.

Учинчи босқичда барча ҳужжатлар тегишли дастурлар асосида тўлиқ рақамлаштирилиши, бошқарувга сунъий интеллектни жорий этишга оид бошқарувдаги трансформация жараёнлари тугалланиши лозим. Албатта жараёнда ходимларга нисбатан КРІ дастурлари орқали мотивациянинг қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. КРІ натижаларига қараб корхона ўз ички мезонлари асосида мотивация бериш режасини ишлаб чиқса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташкиллаштириш: Мурожаатлар (оғзаки ва ёзма) Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ -445-сон 11.09.2017 йилдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга ошириш мақсадида барча ташкилий ишлар тайёрланади. Яъни, ҳар бир мурожаат у хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки бўлсин, шунингдек, ҳар қандай кирувчи ҳужжатни қабул қилиш жойлари, шароитлари, макони ва ким томонидан қабул қилиниши аниқ ва ошқоралиқда истеъмолчи учун тушунарли тилда ва жойда қабул қилиб олинади.

Режалаштириш: Қабул қилинган мурожаатлар ёки кирувчи ҳужжатларнинг кириш босқичларидан тортиб ҳар бир қадами босқичма-босқич ҳужжатни бажариб ёпилгунгача бўлган жараён тўлиқ режалаштирилади. Бунда ким ва қайси техника, қандай технологияда амалга оширилиши вақти ва масъули бўйича аниқлик киритилади. Режалаштириш бир оз кенгроқ ва мураккаброқ жараён бўлиб, унда ижрога қабул қилинган ҳужжат масъулга топширилишидан олдин махсус комиссиядан ўтиб йўриқнома тайёрланади, бажарилганидан кейин ҳам махсус комиссия қабул қилиб олиб ижросини бўлганлигини тасдиқлайди. Муаммоли вазиятларда кенгаш чақириб, ҳамжихатликда ижро учун масъулга қўшимча топшириқлар берилади. Махсус комиссия ҳар бир ижро жараёнларини мониторингдан ўтказиб туради ва ҳужжатларнинг айланиш тезлигини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар аниқланади. Ҳужжатлар ижросининг оперативлигини таъминлаш мақсадида жараёнларни замонга мослаб трансформациялайди ва IT технологияси билан бойитади.


Назорат: Ташкиллаштириш ва режалаштириш жараёни тўғри қўлланилса ҳужжатлар ижросини таъминлаш ва ҳужжатлар айланишида кераксиз бўғинлар ва бўшлиқлар бўлмаслиги керак. Шунинг учун ҳам назорат ҳолатни баҳолаб боради. Муаммоларни таҳлил қилиб боради. Йўриқномадан чиқиб кетиш ҳолатлари, бунга сабаб бўлаётган омилларни аниқлайди. Сунъий интеллект ишироқини таъминлаш билан айрим бўғинлардаги инсон омилини камайтиради. Сунъий интеллект барча қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида ҳамда киритилган параметрлар асосида ҳисоботни қабул қилиб олади. Ижрога йўналтирилган ишлар қоникарсиз бажарилганида ёки бажарилмаганида керакли интизомий чораларни қўллайди.

Мотивация. Ҳар бир иш бошланиш ва тугалланиш жараёнини аниқ ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Ишнинг бошланиши бошқаришда мақсадни тўғри қўйилганлиги билан бошланиб уни амалга ошириш жараёни куч, вақт, маблағ, юксак маҳорат, жараёнда ишчи ва хизматчилар фаолияти билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир тўғри ва аниқ бажарилган ҳолат махсус программаларда қайд этилиши ва рағбатлантириб борилиши лозим. Чунки режалаштириш қандайдир бўшлиқларни қисқартириш, энг маъқул иқтисодий тежамкор вариантларни тўғри бажарилиши ҳисобига корхонага катта даромад келтираётганлиги сабабли мотивация механизми ҳам ишлаб чиқилиши лозимдир.

Шунингдек, темир йўл хизматларида кўпроқ мижозлар билан, истеъмолчилар, шунингдек соҳада ишлаб келаётган мутахассислар билан доимий сўровномаларининг ўтказилиб туриши ҳам тизимдаги камчилик ва муаммоларни аниқлашда ва вақтдан унумли фойдаланишда қўл келади.

Темир йўл транспорти хизматларини ривожлантириш учун муаммога тизимли ёндошиш талаб этилади (2-расм).

Бошқарув механизми иш фаолиятининг узлуксизлиги ва самарадорлиги менежмент усулларининг самарали қўлланилиши билан аҳамиятлидир. Ҳар қандай механизми менежмент функциялари билан мувофиқликда бажарилса самаралидир.



2-расм. Бошқарувга тизимли ёндошиш¹

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, темир йўл хизматларини Ўзбекистон миллий иқтисодиёти билан интеграциялашуви натижасида қуйидагиларга эришилади.

- Биринчидан, аҳоли ва ишлаб чиқарувчи, боринки тадбиркорнинг юки манзилига арзон ва сифатли, тез кунларда етказиб берилади.
- Иккинчидан, ҳудудларда юкларни етказиб бериш қамровининг оширилиши ҳамда кўрсатилаётган хизмат сифатини рақамлаштирилиши натижасида кўрсатилаётган хизматларнинг шаффофлиги ва темир йўл хизматларидан фойдаланиш имконияти ошади.
- Учинчидан, темир йўл хизматларидан хорижий давлатларга, улардан денгиз портларига чиқиш имкониятининг яратилиши Ўзбекистон иқтисодиётини Ренессанс иқтисодиётга бошлайди. Бугунги Учинчи Ренессансга инқилобий тус берилади.
- Тўртинчидан, саноат ва қишлоқ хўжалиги, ундирувчи саноатда ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми кескин ошади.
- Бешинчидан, аҳолининг фаровонлик коэффициенти корхоналарнинг юкори даромади ва ривожланиши ҳисобига кўтарилади, қўшимча иш ўринлари яратилади.
- Еттинчидан, халқаро даражадаги интеграция таълим, фан, маданият, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқаларнинг ўрнатилиши оқибатида ривожланади.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Юқоридаги натижаларга эришиш учун: темир йўл хизматларини давлат хусусий шерикчилик асосидаги ислохотларини жадаллаштириш; ҳар бир инфратузилмага алоҳида стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқиш; ҳар бир йўналиш юзасидан “Йўл харита” ишлаб чиқиш. Йўналишларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда давлат темир йўл бошқарувини ундирувчи саноатга инвестиция киритиши ёки биргаликдаги фаолияти учун давлат хусусий шерикчилик программаларини ишлаб чиқиш. Буюк ипак йўлини тиклашдек катта мақсад йўлидаги эзгу ниятларни охирига етказиш. Халқаро иқтисодиёт билан глобаллашувни таъминлайдиган халқаро темир йўл йўлаклариди хизматларни жаҳон стандарлари даражасига чиқариш. Провайдерларнинг PL даражасини ошириш борасидаги, IT технологиялари асосида рақамлаштириш тизимни тўлиқ трансформациялашни амалга оширишда бошқарувга тизимли ёндошиш керак бўлади.

Ушбу давр темир йўл хизматларини ривожланишида ҳам ренессанс бўлиши учун давлат хусусий шерикчилиги асосидаги хизматларни ташкил этиш, керакли лойиҳа ва чоратadbирларни ишлаб чиқиш асосида темир йўл хизматларининг молиявий барқарорлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Услуги на железнодорожном транспорте. Качества услуг в области грузовых перевозок. Гост Р 58855-2020. Транспортно-логистических услуги грузовых перевозках. Общие требования к качеству. ГОСТ Р 59951-2021.
2. Д.У. Николаев и др. Цифровая железная дорога-инновационные стандарты и их роль на примере Великобритании. International Journal of Open Information Technologies ISSN: 2307-8162 vol. 4, no. 10, 2016.
3. В.П. Куприяновский и др. Интернет цифровой железной дороги. International Journal of Open Information Technologies ISSN: 2307-8162 vol. 4, no. 12, 2016. -С.53-68
4. Ж.С. Файзуллаев. Транспорт-логистика тизими: муаммо ва ечимлар. Proceedings of Global Technovation 2 nd International Multidisciplinary Scientific Conference Hosted from London, U.K. <https://conferencepublication.com> December 28th, 2020. –Б.50-54.
5. Биргит Виохл. Транспортные потоки и нефизические барьеры. – Бишкек: ОБСЕ, 2015. – С. 20-21.
6. М.М. Паязов. Темир йўл транспорт хизматларининг хизматлар бозоридаги бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиёти. Ж.: Иқтисод ва молия №7(155). 2023. –Б.36-44.
7. М.М. Паязов. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда хизматлар бозоридаги бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш. Ж.: Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences № 3(4). 2023. –Б.46-59.

<p>М.Паязов</p> <p>Сущность и методология разработки механизма управления в системе железнодорожного транспортного обслуживания</p> <p>Аннотация: В статье подчеркивается важность механизма управления в системе железнодорожных перевозок, уделяя внимание механизму документооборота в постепенном совершенствовании управления этим механизмом, а также мировому опыту управления железными дорогами, вопросам общественного участия и частного партнерства.</p> <p>Ключевые слова: механизм управления, интеграция, трансформация, стандарт, государственно-частное партнерство, стартап, железнодорожные коридоры.</p>	<p>M. Payazov</p> <p>The essence and development methodology of the management mechanism in the railway transport service system</p> <p>Abstract: The article highlights the importance of the management mechanism in the railway services system, paying attention to the document management mechanism in the gradual improvement of the management of this mechanism, as well as world experience in railway management, public participation and private partnership issues.</p> <p>Keywords: management mechanism, integration, transformation, standard, public-private partnership, startup, railway corridors</p>
--	--

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023